*Баҳс*

# НУКТАДОНЛИК — НУҚТАДОНЛИК ЭМАС!

Умумтаълим мактаблари учун янги адабиёт дастур ва дарсликлари яратиш ишида иштирок этиш имконияти насиб этганига шукур. Мана, бир неча йилдирки, 10-синфлар учун ёзилган «Ўзбек адабиёти» дарслигимиз халқ таълими йўлида ўз хизматини адо этиб келмоқда. Бу йил нашриёт дарсликнинг 4-нашрини тайёрлаб қўйди. Дарслигимиз — мукаммал, камчиликлардан холи, деган даъводан йироқман. Беайб — Парвардигор. Дарслик нашрдан нашрга нуқсонлардан тозаланиб бормоқда. Дарслик ҳақида адабиётшунос мутахассислар, адабиёт ўқитувчилари ва, ҳатто, ўқувчию абитуриентлардан гоҳида илиқ сўз, мақтов, гоҳида эса холис фикр-мулоҳазалар эшитиб турамиз. Фақат бир ҳамкасбимиз — адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновга дарслик маъқул бўлмайди.

Дарслик не машаққатлар билан дунё юзини кўришини гапирмай қўя қолай. У нашр этилиши билан олимимиз «Ўзбек тили ва адабиёти таълими», «Муштум», «Шарқ юлдузи» каби журналлар, «Ёзувчи», «Туркистон» газеталари ва бошқа таҳририятларга «танқидий» мақолалар йўллайди.

В.Раҳмоновнинг навбатдаги мақоласи «Эҳтиёт бўлинг, қалб санъати» («ЎзАС», 2002 йил, 23 август) деб номланган.

«Шоир Турди Фароғийнинг бир мисраси мазмуни устида узоқ вақтлардан бери ўйлаб келаман, — дея узоқдан гап бошлайди муаллиф. — Мана ўша мисра:

**Ло бақодур** қалбий,
**қалбинг боғлама иқболингга.**

Мазкур матн ҳақида филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжанинг қуйидаги талқини бор.»

Аввало, айтиш керак, бизнинг талқинимиз фақат бир мисрагагина қаратилган эмас. Дарсликда бутун бошли мухаммаснинг ғоявий-бадиий мазмуни изчил таҳлил этилган. Ундан бир мисра талқинини узиб олиш ғайриилмий ёндашув оқибати. Айниқса, мухаммас жанрининг ўзига хос қонунияти шундайки, унинг ҳар бандидаги мисралар ўзаро мустаҳкам занжирий боғланишга эга бўлади.

«Олимнинг бир мисра устида ҳар томонлама мулоҳаза юритиши — яхши. Бироқ бу мулоҳазалар ўша мисрага, унинг мазмунига алоқадормикан?..», дея эътирозини давом эттиради В.Раҳмонов. (Буни ҳозир биргаликда кўриб чиқамиз.) «Менингча, олим мисрани у қадар (?) эътибор билан ўқимаган кўринади. Мен байтни эски ёзувда ёзиб, қайтадан ўқишга уриндим. Бу усулда мисра қуйидаги тарзга келди:

**Ло бақодур** қалби,
**қалбинг боғлама иқболингга».**

Нуқул эски ёзувни билишни пеш қилавериш ҳам камтарликдан бўлмас. Қолаверса, «байтни эски ёзувда ёзиб, қайтадан ўқиш»га зарурат йўқ. Аслият бор-ку! Асл матнни кўринг, ёҳуд қайтадан ёзиб, ўқиб кўринг — моҳият битта.

Ўзига хос қайта ёзиб ўқиш оқибатида В.Раҳмонов мақоланинг уч ўрнида газетхонга хато матн тақдим этган. «Лобақо» — «ло бақо», «қалбий» — «қалби», «иқболинга» —«иқболингга» тарзида ўзгартирилиши натижасида бадиий сўз шакл, маъно, оҳанг бутунлиги жиҳатларидан зарар кўрган. Мана, матншуноснинг аҳволи. Мисранинг дарсликдаги матни — энг саҳиҳ матн. Ундан-да саҳиҳроқ матн бошқа ҳеч қайси манбада йўқ:

**Лобақодур қалбий,**
**қалбинг боғлама иқболинга...**

В.Раҳмонов «лобақо» сўзини иккига бўлиб ташлайди. Бу ҳозирги ўзбек адабий тили ва ҳозирги ўзбек ёзуви қонун-қоидалари жиҳатидан нотўғри. Дарсликлар ҳамда мумтоз матнлар ҳозирги ўзбек ёзуви ва ҳозирги ўзбек адабий тили қонун-қоидаларига мувофиқ нашр этилади. «Лобақо» сўзидаги «ло» араб тилида ва эски ўзбек ёзувида сўзнинг қолган қисмидан ажратиб ёзилади. Лекин биз араблар ҳам ёки ўрта асрлар ўзбеклари ҳам эмасмиз. Биз — XXI аср ўзбекларимиз.

Ўзбек тили табиий равишда сўз талаффузи ва имлосида ихчамлик, соддалик, лўндалик, яхлитликка интилади. Шу боисдан **«лобақо»**га ўхшаган **«ломакон», «лоақал», «ложарам», «ложуръа»** каби сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилига асосланган луғатларимизда яхлитлигича ёзилган. (Қаранг: Навоий асарлари луғати. Т. 1977, 337 — 339- бетлар; Ўзбек тилининг имло луғати. Т. 1976, 252 — 253-бетлар.)

«Қалбий» сўзини В.Раҳмонов «қалби» деб ўқийди. Бу ҳам ғалат. Чунки «қалби» сўзи «қалб» ўзаги ва «-и» эгалик қўшимчасидан тузилган. Бунда мантиқ йўқ. Негаки, «Лобақодур қалбий» жумласида кимнингдир қалби ҳақида фикр юритилмаган. Бундан ташқари, битта «й» қисқариши оқибатида мисранинг оҳанг бутунлигига ҳам путур етади. «Эски ёзувда ёзиб, қайтадан ўқиш» масаласига келганда эса, «қалбий» сўзи «йо» ҳарфи билан тугалланади. Уни маъно чиқишига қараб, **«и»** ҳам, **«ий»** ҳам ўқийвериш мумкин. Маънога келсак, **«қалбий»** — сифат, у одамзотдаги тескаричилик, қаллоблик, қалбакилик, ғаразгўйлик сифатларини англатади. Турди Фароғий даврида **«қалбий»** шаклида қўлланган бу сўзни мен ҳозирги тилимизда **«қалб»** шаклида учратганман. Масалан, «Фалонча — қалб одам». Эҳтимол, баъзи халқ шеваларида сўзнинг **«қалбий»** шакли ҳам сақланган бўлса, ажаб эмас. Хуллас, **«Лобақодур қалбий»** жумласининг мазмуни — **«Фирибгар, қаллоб, ғаразгўй одамлар боқий эмас, улар омонат, ўткинчи, уларнинг умри қисқа»,** демакдир. Бу жумланинг яққол кўриниб турган, асосий мазмуни. У дарсликда шундай ифодаланган: «Қалбий, яъни қалбакилик, сохтагарчилик абадий эмас, унинг умри қисқа».

Жумланинг иккинчи — қалб санъати билан боғлиқ мазмунини эса биз дарсликда қуйидагича баён этганмиз: «Зотан, «иқбол» сўзининг араб ёзувида тескари ўқилиши «лобақо» — «бақосиз», «боқий эмас» маъноларини билдиради. Шоир мана шу маънолардан ҳам маҳорат билан фойдаланган» (223 — 224-бетлар). В. Раҳмонов мўъжазгина мақоласида айнан биз баён этган мазмунни икки марта такрорлаган: «Бу мисрадан маъно чиқаришнинг имкони бор. Мисрани бундай тушуниш мумкин: «Иқбол»ингга кўнгил боғлама, чунки «иқбол»нинг тескариси «ло бақо» — бебақодир... Дарҳақиқат, эски ёзувда «иқбол» сўзини ёзиб, уни тескари ўқисак — «ло бақо» бўлади». Фақат биз «бадиий санъат» терминини қўлламаганмиз, холос. Лекин, бу биз мисрада «қалб» санъати борлигини пайқамаганимизни, билмаганимизни, тушунмаганимизни англатмайди. Муҳими, бадиий санъатнинг моҳияти очилган. Ахир, шоирнинг маҳорати ҳақидаги фикр унинг бадиий санъат қўллаганлигидан далолат бермайдими?

Энди В. Раҳмоновнинг иддаоли саволига қайтайлик. Хўш, биз дарсликда баён этган мулоҳазалар мисранинг мазмунига алоқадор эканми, йўқми?

Устозларимиз бир китоб ёки илмий иш ҳақида гапирганда аввал унинг ютуқлари ва ижобий томонларини ёритишга ўргатишган. Биз дарсликда Турди Фароғий сиймосини ёритарканмиз, анъанавий йўлдан бормаганмиз. Яъни, Субҳонқулихон ҳақидаги мухаммасни эмас, тасаввуфий мазмунга эга бўлган мазкур «Мухаммаси туркийи Турди»-ни танлаб дарсликка киритдик ва уни биринчи марта таҳлил этдик. Панду насиҳат услубида битилган ушбу мухаммас ислом ва тасаввуф маърифати, ахлоқи ақидалари билан йўғрилган. У Турди ҳаётий кузатишларидан чиқарилган хулосаларнинг тасаввуф назарияси асосидаги талқинидан вужудга келган. Мазкур мухаммас таҳлили жараёнида Турди Фароғийнинг мутасаввуф шоир сифатидаги адабий сиймоси, ўй-кечинмалари, дунёқараши яққол намоён бўлади. В.Раҳмонов эса булар ҳақида лом-мим демайди.

Бизнингча, илм фақат рад этишдангина эмас, балки софдил, поктийнат дунёқараш, соғлом ва бағрикенг ҳамкасабалик маданиятидан ҳам, фақат эътироздан эмас, балки эътибор ва эътирофдан ҳам иборатдир. Муҳтарам мунаққидимиз Турди Фароғийнинг тавба-тазарруъ руҳи билан йўғирилган мухаммаси таҳлилини ўқиб камчилик ахтарибдилар-у, шоир қалбидан қуйилган қуйидаги ўгитларни қалбларига жойламабдилар, афсус:

**Боқийи умрингни сарфи**
**мардуми фаҳмида қил,**
**Мақдаминда бош қўюб,**
**побўси мардум дида қил,**
**Поктийнат, софдил, хулқи**
**ҳасан бигзида қил,**
**Мунда хўб илму амални**
**чирмаву санжида қил,**
**Ҳашрда мезон тарозуси**
**қурулмасдин бурун.**

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори**

*"ШЧ" жавонига*




Инсон умрини кулгисиз тасаввур этиб бўлмайди, хурсандчиликсиз ўтаётган умр омочни тортиб машаққат чекишдай мушкул ҳол. Шу боисдан ҳам халқимиз азалдан кулгини қадрлаган, латифаларга, хандаю аскияларга, ҳазил-мутоибага бағрини кенг очган.

Кулгипаз Абдураззоқ Обрўй ўзининг зийрак кузатишларини қоғозга тушириб кулги мухлислари орасида эътибор топиб келаётган истеъдодли ҳажвчиларимиздан. Айниқса, унинг пародиялари доимо катта қизиқиш билан ўқиладики, бу муштарийларимизга газетамизнинг "Ғалвир" рукни орқали яхши маълум.

Яқинда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти ҳажвчи ёзувчимизнинг янги ҳажвий ҳикоялари, миниатюраларини жамлаб, "Бўйдоқ аскар" номида китобча шаклида чоп этди. Абдураззоқнинг ушбу тўпламига киритилган жажжи асарларида ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир иллатлар сатира тиғи остига олиниб, самимий кулги уйғотадиган даражада таъсирчан ифодалаб берилган. Китобчадаги ҳажвияларнинг тили равон, содда, боз устига қаҳрамонлари ҳам биз билган, орамизда юрган кимсалар.

Умид қиламизки, муаллифнинг қаламидан дунёга келган бу қувноқ ҳикояларни ўқиб, сиз азиз муштарийларнинг ҳам юзингизда табассум пайдо бўлади.

*Озод Ватан одами*

# ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ!



*Атоқли шоиримиз шеъридан бу сатрни сарлавҳага танлаганимизнинг боиси бор: барча замонларда ҳам қалбига эзгу ниятларни жо этган чин инсонлар фаол бўлишган, бошқаларни ҳам қуриш, яратиш, яъни тиниб-тинчимасликка чорлашган. Бир кўрган одам Нурмамат ака Алмуродовни велосипед устида тасаввур қилолмайди. Бироқ сиртдан бўш-баёв кўринган бу ижодкор йигирма йилдан бери велоспорт билан шуғулланаркан. Биз у кишини, навбатдаги велосафарда бўлиб қайтганини эшитиб, суҳбатга чорладик.*

**— Велоспорт билан кўп йиллардан бери шуғилланаркансиз. Бу шунчаки қизиқишми ёки зерикканда эрмак учун бир машғулотми?**

— Бу — менинг турмуш тарзим. Касбим фотомухбир, мана, сиз ҳам ижодкор одамсиз. Бизнинг ишимиз жисмоний куч, ҳаракат талаб қилмайди. Асосан, бир жойда ўтириб ишлаймиз. Кўпчилик ижодкорлар камҳаракатликдан жисмоний азоб чекишади. Касбдошларимиз орасида юрак, қон-томир хасталиклари билан оғриганлар кўп учраши сир эмас. Агар улар ҳам спортнинг бирор-бир тури билан муттасил шуғулланишса, ҳам соғлиқлари жойида бўларди, ҳам ижодлари янада авж оларди.

**— Велосипедда Туркистон шаҳрига сафар қилибсиз. Нега, масалан, Нукус, Термиз ёки Ўшга эмас, айнан Туркистонга?**

— Сиз айтган шаҳарларга олдинги сафарларимизда борганмиз. Шунинг учун бу гал ўзимиз учун нисбатан нотаниш бўлган йўлни танладик. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, Туркистонга йўл олдик.

**— Узоқ йўлга, қолаверса, велосипедда сафарга чиқишнинг ўзи бўлмаса керак. Бунинг учун тажрибадан ташқари моддий тайёргарлик ҳам керак-ку...**

— Сафар олдидан биз дўстлар билан маслаҳатлашдик. Аксарият ҳамкасбларимиз Туркистонгача бўлган йўлни велосипедда босиб ўтиш анча қийин кечишини айтишди. Бу бизнинг қизиқишимизни баттар оширди. Хуллас, 18 август куни кечқурун ўғлим билан Самарқанддан йўлга чиқдик.

Ҳар қандай эзгу ишга бел боғласангиз ёрдам қўлини чўзадиган хайрихоҳ инсонлар топилади. Бизни ҳам қўллаб-қувватлаганлар бўлди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин божхона маскани бошлиғи Абдулазиз Саидов бизга ҳомийлик қилди. Фурсатдан фойдаланиб у кишига ҳамда мазкур божхона маскани жамоасига миннатдорлик билдирамиз.

**— Гапингизга қараганда, асосан, кечаси йўл босибсизлар...**

— Бу йил август ойи, ўзингизга маълум, жуда иссиқ келди. Кундуз куни юриш қийин бўлди, бунинг устига иссиқда асфалт йўлда юришга велосипеднинг ғилдираги чидамайди, баллони ёрилиб кетади. Қозоғистонда шундай бўлди, заҳира баллонлар бор эди, алмаштириб йўлимизда давом этдик.

**— Албатта, божхона масканларидан, чегаралардан ўтишга тўғри келган. Бирор-бир қийинчилик туғилмадими?**

— Ҳеч қандай мураккаблик бўлгани йўқ. Чегарадан ўтишда декларация тўлдирдик, ҳаммаси белгиланган қонун-қоидаларга кўра ҳал бўлди, бизга оқ йўл тилашди. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам чегарачилар бизга жуда хайрихоҳ муносабатда бўлишди.

**— Йўл юрсангиз ҳам мўл юрибсиз, таассуротлар қандай: қандай одамлар билан дийдор кўришдингиз, уларнинг сизларга муносабати қандай бўлди?**

— Қозоғистонга ўтганимизда, дастлаб, Сариоғоч туманида тўхтадик. Сариоғочликлар орасида ҳамюртларимиз кўп эди. Улар бу ерда деҳқончилик билан шуғулланишаркан. Мева, сабзавот етиштиришда қозоқ биродарларимизга ёрдамлашарканлар. Қардошларимиз улардан деҳқончилик сирларини ўрганишаётганидан жуда миннатдор бўлиб гапиришди. Деҳқонлар ўзлари етиштирган ноз-неъматлар билан бизни меҳмон қилишди.

**— Дам олиш, тунаш қандай бўлди?**

— Фақат йўлда дам олишга тўғри келди. Биринчи оқшомни илгари Ленинск деб аталган, ҳозирда Қозиғурт деб номланган тумандаги Турбат деган жойда бир қозоқ отахонникида ўтказдик. Унинг ўғли ногирон экан. Отахон Туркистонга бораётганимизни эшитиб, бир идишда сув олиб келишимизни илтимос қилди. Биз қайтишда сув олиб, отахонга бериб ўтдик. У киши кўп дуо қилдилар.

Иккинчи куни Чимкент шаҳрига етиб бордик. Шаҳар жуда ажойиб жойда жойлашган экан, атрофи тоғ. Шаҳарда ўзбеклар кўп. Кираверишда ДАН ходимлари бизни яхши кутиб олишди, муздай зилол сувлар билан сийлашди. Форобий номидаги боғни айландик. Мухтор Авезов номидаги университетда бўлдик. Кечга яқин яна йўлга чиқдик. Тунда йўл четидаги бир ёнилғи қуйиш шахобчасида тўхтадик. Шахобчада тўрт нафар кавказликларга хос қиёфадаги йигит турган эди. Танишдик. Улар курд миллатига мансуб экан. Бизни уйларига таклиф қилишди. Уйлари катта йўлдан икки юз метрлар четроқда экан. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланишаркан. Бизни меҳмон қилишди.

**— Бир-бирларингизни тушуниш қийин бўлмадими?**

— Курдларнинг тили бироз бошқачароқ экан. Бироқ биз гоҳ қозоқча, гоҳ ўзбекча гаплашиб, дарров тил топишиб кетдик. Эрталаб нонушта пайти бизга бир қўшиқ қўйиб беришди — «Жоним Курдистоним» деган. Анча ҳазин қўшиқ экан.

Улар билан хайрлашиб йўлга тушдик, Қизилкўпирга етиб бордик. Бу тарихий жой экан. XIX асрда қурилган кўприк давлат муҳофазасига олинган.

Хуллас, жума куни тонгда Туркистонга етиб бордик. Шаҳарга кираверишда катта қилиб «Туркистон» деб ёзиб қўйилган. Яна бир жойда «Мусулмон дунёсининг иккинчи Маккаси» деган ёзув ҳам бор. Шаҳарда қурилишлар бўляпти. Зиёратчилар жуда кўп. Мақбарани, авлиё бобомизнинг мозорларини зиёрат қилдик. Умуман, Туркистонда зиёрат қиладиган жойлар жуда кўп, бунинг ўз тартиб-қоидалари бор экан. Яссавий бобомизнинг икки нафар фарзанди бўлган экан. Ўғиллари Иброҳим, қизлари Гавҳар она. Уларда ҳам авлиёлик хислатлари бўлган, дейишди. Гавҳар она қабрини зиёрат қилиб, шу мажмуа ёнидаги қудуқдан сув ичдик.



Ҳа, дарвоқе, зиёратларни бажо келтириб, уловларимизни созлаб, энди йўлга тушганимизда орқамиздан қиз боланинг: «Тўхтанг-ши!.» деган овози эшитилди. Тўхтадик, бир ўғлим тенгги чиройликкина қозоқ қизалоғи қўлида иккита нон, битта қатламани бизга узатди. Мен унинг исмини сўрадим: «Зуҳра» деди қизалоқ. Ўғлимга: «Исминг Тоҳир бўлганда «Тоҳир ва Зуҳра» филмининг яна бир вариантини олса бўларди», дедим ҳазиллашиб. Нон билан қатламани олганимиздан қизалоқ жуда хурсанд бўлди. Шу нон бизга йўлда жуда асқотди.

**— Ўғлингиз ҳам велоспорт билан анчадан бери шуғулланадими?**

— Болалигида уч оёқли, кейин икки ғилдиракли велосипед олиб берганман. Шундан бошланган қизиқиши. Ҳозир Хуршид Ғафур Ғулом номидаги 2-ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийди. Мен билан сафарларда бўлган, чиниққан. Дастлаб қийналса керак, дегандим. Йўқ, чиникди. Катта велопойгаларга қатнашишни орзу қилади. Қани энди туманларда ҳам спортнинг бу турига эътибор кучайтирилса. Ҳозир у катта теннис билан ҳам шуғилланяпти.

Президентимиз ёш авлодни соғлом камол топтиришга жуда катта эътибор қаратганлар. Биз ота-оналар юртбошимизнинг даъватларига жавобан оиламизда бу борада фарзандларга намуна бўлишимиз керак. От изини той босар, дегандай, орқамиздан келаётган фарзандларимизнинг соғлом, қорувли, баркамол инсон бўлишлари бизнинг қадам олишимизга боғлиқ.

**— Велосипедингиз қанақа русумда?**

— «Пойга» русумида. Бу русумдаги велосипед жаҳон велопойгасида минилади. Ўғлимдагиси «ярим пойгалик».

**— Барибир, Нурмамат ака, йўлда қийналаган чоғларингизда: «Нима қилардим, бу ташвишни бўйнимга олиб...», деган пайтлар ҳам бўлгандир. Ахир, йўл азоби — гўр азоби, деб бекорга айтишмаган-ку.**

— Йўқ, аксинча. Мана, Туркистон сафаримизда минг километр йўл босдик. Биласизми, йўлнинг ярмини босиб ўтгандан кейин «иккинчи нафас» очилди. Бунинг завқини айтмайсизми! Шундай ҳам бўладики, қани энди йўл тугамаса, юраверсанг, юраверсанг...

Яна бир муҳим гап. Узоқ умр кўриш — одамнинг ўзи учун, оиласи, Ватани учун ҳам бир бахт. Инсон орзуларига етиши учун ҳам узоқ умр кўриши керак. Мен 50 ёки 60 йил умр кўраман, деб эмас, 100 га, 150 га кираман, деб ният қилиш керак. Бизда ҳозир 80-90 ёшга кираётган отахонлар бор. Бироқ улар бу ёшга қарилик азобуқубатларини чекиб, жисмонан қийналиб, ҳар хил оғриқларга бардош бериб кираяпти. Баъзилари ўн йиллаб тўшакда ётади. Аслида одам кексаликда ҳам бардам, қувноқ бўлиб бахтли ҳаёт кечириши керак ва бу унинг ўзига боғлиқ. Мен яхши қаришнинг йўлларидан бири велоспорт билан шуғулланиш, кўп яёв юриш деб биламан. Юртимизга, оиламизга, келажагимизга ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом одамлар керак.

**— Велосипедда Ер шарини айланиб чиқиш ниятингиз йўқми?**

— Биз Туркистон сафаридан қайтгач, бир хушхабарни эшитдик. Англиядан Буюк Ипак йўли бўйлаб велосипедда сафарга чиққан беш нафар буюк британиялик Самарқандда, кейин бизнинг туманда тўхтаб ўтишибди. Ҳамюртларимиз улар ҳақида жуда ҳаяжонланиб гапиришди, уларни яхши кутиб олишгани, кузатиб қўйишганини айтишди. Биз ҳам ният қилдик: яқин йилларда, насиб этса, ана шу Буюк Ипак йўлини, инглиз биродарларимиздай, велосипедда босиб ўтамиз. Умид қиламанки, бу йўлда бизга ўнлаб ҳамкасбларимиз — журналистлар, ижодкорлар ҳамроҳ бўлишади. Ахир, бундай сафарлар ижод кишисининг нафақат соғлиғини мустаҳкамлайди, шу билан бирга, бир дунё илҳом, таассуротлар ҳадя этади.

**А. ОТАБОЕВ**
**суҳбатлашди**

## Дунё — кенг...

### МУРДА ШОУ

**Яқинда Россиянинг Новосибирск вилояти прокуратураси терговчилари мудҳиш бир жиноятни фош этишди. Маълум бўлишича, новосибирсклик марҳумларнинг жасади, илмий шартномага кўра, медицина ўқув юртига кўргазмали қурол тайёрлаш учун Германиядаги Пластинация институтига юбориб турилган. Бу институт директори...**

... доктор фон Хагенс Ғарбда жанжалкаш авангардчи-санъаткор сифатида ном чиқарган экан. У ўзининг «бадиий» композицияларида мурдаларни ва уларнинг аъзоларини ишлатаркан. Европа мамлакатларида бир неча марта Хагенс асарларининг кўргазмалари уюштирилган ва ҳар гал бу томошалар жанжал билан якун топган.

Пластинация усулини профессор 1977 йили кашф этган. Бу усулга кўра, жасадлардан ёғ ва сув сиқиб чиқарилиб, улар ўрни пластика билан алмаштирилган. Шу тариқа профессор Гюнтер фон Хагенс одам таналаридан бутун бир музей ташкил этди ва энди уларни дунёга намойиш этиб, пул ишлаётир. Буюк Британияда намойиш этган кўргазмасини у "Жасад дунёси» деб номлаганди. Бу шоу анча дилхираликларга сабаб бўлди. Кўргазмада намойиш этилган жасадлар ва тана аъзолари марҳумларнинг қариндошларида норозилик уйғотди.

Дарҳақиқат, Новосибирскдан илмий шартномага кўра Германияга, доктор Хагенсга мурдаларнинг жўнатилиши ҳам қонунга хилоф тарзда амалга оширилган экан. Чунки марҳумнинг жасадидан кўргазмали қурол ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун унинг тириклик пайтида берган ёзма равишдаги розилиги зарур. Бу талаб ҳатто ҳеч кими йўқ, жамиятдан четга чиқиб қолган кишилар жасадига ҳам таалluқли.

Доктор фон Хагенс эса ҳали-бери «мурда шоу»сини давом эттириши учун зарур «материаллар»га зориқмаса керак, ҳарқалай.

### ТУАЛЕТ ҚОҒОЗИДАГИ РОМАН

**Сир эмас, бировларга туалетда ўқиш ёқади. Бундай эҳтиёжни ҳисобга олган олмониялик ноширлардан бири ҳикоялар ва шеърлар босилган туалет қоғози ишлаб чиқара бошлади.**

«Биз бу «китоблар»нинг ишлатилишини хоҳлаймиз. Бизнинг фаолиятимизнинг моҳияти ҳам шунда», дейди нашриёт раҳбари Георгес Хемерштофер. Унинг ишонч билан айтишича, туалетда ўқиш иштиёқи ҳар икки одамнинг биттасига хос одат. Reuters агентлигининг тарқатган хабарларида айтилишича, бу нашриёт «чоп этадиган китоблар» рўйхатида таниқли олмон ёзувчи, шоирлари асарлари ҳам бор экан. Бундан ташқари, ноширлар яқин-орада "туалетбоп» эртаклар ва детектив қиссалар пайдо бўлишига ҳам умид қилишмоқда. Ҳар бир матн қоғоз бойламига бир неча марта босилади, бу ўқувчининг мавзуга қайтишига ёрдам бераркан.

### СОХТА САДДАМ

**Яқинда Саддам Ҳусайн тўртинчи марта уйланди. ИТАР — ТАССнинг ғарбдаги оммавий ахборот воситалари хабарларига таяниб берган ахборотига кўра, Саддамнинг тўртинчи хотини Ироқ ҳарбий саноати вазирининг қизи экан. Онаси немис миллатига мансуб бу қизга, айтишларича, Бағдодда тенг келадиган гўзал топилмасмиш.**

Бироқ тўй тантаналарида ҳақиқий Саддам Ҳусайн иштирок этганми ёки унинг бирор-бир қиёфадоши қатнашганми, буни ҳеч ким аниқ айтолмайди. Олмониялик журналистлар ва олимлар беш юздан ортиқ видеоёзувларни таҳлил қилишиб келишган хулосаларига кўра, деярли барча расмий тадбирларда Саддам Ҳусайннинг қиёфадошлари қатнашар экан.

Маълум бўлишича, қиёфадошлари Ҳусайнни нафақат сафарларга чиққанида, халқ билан ёки чет эл раҳбарлари билан учрашувларда, балки инқилобий кенгаш мажлисларида ҳам алмаштиришар экан. Бундай хулосаларни Ироқ махфий полициясининг собиқ раҳбари, ҳозирда мухолифда бўлган Вофиқ ал-Самара ҳам тасдиқлайди. Қизиқ, Саддамнинг тўртинчи хотини ҳақиқий Ҳусайнга турмушга чиққанига ишончи комилмикан?..

Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва Муқимий номидаги театр жамоаси шу театр директори **Абдушукур ШОМУРОТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қаридошларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир Шукур Қурбонга онаси **Убайда ОБИДЖОН** қизи вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсуповага ўғли **МИРЖАЛОЛ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Чилонзор туман Маданият ишлари бўлими "Тошкент" миллий карнай-сурнай театр-студиясининг бадиий раҳбари Нодир ва созанда Собир Раимовларга оналари **Мавлуда ая ШАМСИТДИН** қизи вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 970. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—4309